



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 15 июль, №145 (3257)

Сешанба

Ўзбекистон — Польша:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-12 июль кунлари расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди.

Ўзбекистон ва Польша бир-бири учун ўз минтақаларида энг ишончли шериклардан ҳисобланади. Утган йил октябрда Александр Квасневский Ўзбекистонга келгани ва энди мулоқотнинг узвий давоми сифатида Ислам Каримов расмий ташриф билан Польшага боргани икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги кенгайтиришга интилиши нечоғди кучли эъқонидан далolatларидир.

Мамлакатлар, халқлар бир-бирини қанчалик қадрламасин, яқин кўрмасин, манфаатлар уйғун бўлмаса, чинакам ҳамкорлик қарор топиши қийин. Шу нуқтага назардан қаралса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон-Польша муносабатлари янада фоллашгани кўпайиб соҳалардаги ўзаро манфаатдорлик ҳамда ана шу манфаатдорлик борасидаги ҳамфикрлик билан изоҳланади.

Польша Европада майдони жиҳатдан бешинчи, аҳолиси бўйича саккизинчи ўринда туради. Унинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши шиддат билан кўпаймоқда. 1990 йили унинг ялпи ички маҳсулоти жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 0,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йили 0,5 фоизга тенглашди. Польша кўпайиб соҳа маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Масалан, мис, кўмир, олтингургут ишлаб чиқаришда биринчи ўнликка, сульфат кислотаси, цемент, чўян, телевизор, енгил ва юк ташуви автомобиллари, электр қуввати бўйича иккинчи ўнликка кирди.

Мамлакатнинг жаҳон сўёбат майдонидаги нуфузи салмоқли. Европанинг жўроғий-сиёсий жиҳатдан энг қудай қисмида жойлашгани, НАТО ва Европа Иттифоқида аъзо бўлиш арасида турганининг ўзиёқ бу нуфуз учун яна бир белги бўла олади.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, Европада халқ кўп, лекин поляриланган бизга муносабатлари ўзгача. Польшанинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги, бегарз ҳамкорликка интилиши қувонарли. Масалан, иқтисодий соҳани олдидан бўлса, анъанавий тармоқлардан ташқари, куриштириш, энергетика, телекоммуникация, фойдаланувчиларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, куриштириш материаллари ишлаб чиқариш, кимё соҳасидаги муносабатлар каби тармоқлардаги ҳамкорлик ҳам яқини самарга беради.

Ўзбекистон ва Польшада нефть-газ соҳаси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, банк-модия, сайёҳлик каби кўпайиб соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Анъанавий соҳаларга келсак, пахта сўнгги босқичга қадар қайта ишлаш соҳаси ҳамкорлигининг энг аҳамиятли бўлишидан бири бўлиб қолмоқда. Ислам Каримов таъкидлаганидек, Польша Ўзбекистон пахтасини Швейцария орқали олади. Ваҳоланки, бунига мўқобил, ҳатто айтиш мумкин, бундан анча афзал йўл бор. Ўзбекистонда қўшма корхона очиб, пахта шунинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсак, икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди. Яъни пайтада юртимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона бор. Тармоқлар салмоғи бўйича таъкидлаш керак, бу соҳадаги ҳамкорлик ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар, тиббий жиҳозлар тайёрлашдан кейин пахтага қайта ишлаш туради.



Кўшма корхона очиб, пахта шунинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсак, икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди. Яъни пайтада юртимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона бор. Тармоқлар салмоғи бўйича таъкидлаш керак, бу соҳадаги ҳамкорлик ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар, тиббий жиҳозлар тайёрлашдан кейин пахтага қайта ишлаш туради.

Кўшма корхона очиб, пахта шунинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсак, икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди. Яъни пайтада юртимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона бор.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшадаги «Bank Gospodarstwa Krajowego» ўртасида иккита банкларро битим ҳам қилди.

Матбуот анжуманида Президентлар ўшбу янги ҳужжатлар икки то-

монлама фойдали муносабатлар ривожини таъминлашга қаратилган. Александр Квасневский икки давлат ўртасида сиёсий, маданий, илмий алоқалар жадал ривожлантиришни таъкидлади. Уларнинг маълум қилишича, халқаро ҳамкорлик диққат-эътиборида турган бarchа долзарб масалалар борасида Ўзбекистон ва Польшанинг қарашлари, ваъзятта берган баҳолари бир-бирига мос.

Сўёбат борасида икки мамлакат раҳбарларининг узққни қўлаб қабул қилган қарорлари ўзаро уйғун экани Ўзбекистон ва Польшанинг бир-бирига янада яқинлаштириганини айтиб ўтиш ўринлидир. Мамлакатларнинг сиёсий ҳамжиҳатлиги эса, нафақат тараққийга эришиш, балки ҳозир энг долзарб муаммоларга айлانган террор балоиси қарши курашда ҳам кўп фойда бериши аниқ гап. Масалан, Президентимиз айтганидек, Польша НАТО аъзоси сифатида Ўзбекистонга армиясини изоҳ этишда яқиндан ёрдам бериши, ўзаро таъжирба алмашиши мумкин. Таъкидларга қарши туршида НАТОнинг ҳарбий-техникавий имкониятлари қўл келиши тайин. Таъкидлаш жоизки, Шимолий альянсда Польшага нисбатан алоҳида хайрихоҳлик бор. Ўзбекистон билан Польша Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келар эди, мудофаа вазирликлари ўртасида тузилган ҳужжат бу борадаги алоқаларни яна-

да кенгайтиришга йўл очди. Польша сафари хайри воқеаларга бой бўлди. Александр Квасневский Ислам Каримовнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар белдиси эканлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Польшада элчихона очмаганини маълум қилди. Бу воқеа тез орада самар берилишига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Александр Квасневскийга Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаёт тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган полярият таъқирини тўғрисидаги маълумотлар йилнинг архив ҳужжатларини топширди. Польша Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг бу саховати поляриятда ўзбекларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, хайрихоҳлик ва ишончни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз эканлигини айтди.

Архив ҳужжатларини тегишли шахсларнинг яқинларига етказиш бундан бундан ҳам давом эттирилиши маълум қилинди.

Александр Квасневский Ўзбекистон Президентини Польша Республикасининг Хизматлар учун ордени билан тақдирлади. Бу орден Польшанинг давлатларро ҳамкорлиги мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шахсларга бериладиган энг олий мукофоти-дир.

Ўзбекистон Президенти Фармонига қўра, Александр Квасневский Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ўшбу воқеалар Ўзбекистонда Польшага, Польшада Ўзбекистонга эътибор ва эҳтиром катта эканлигини англайтиди, албатта.

Польша сафарининг яна бир жиҳатини эслаб ўтиш жоиз. Ислам Каримов Гданьск шаҳрида бўлиб, унинг тарихий обидлари билан танишди. Гданьск зиёрати баҳона Александр Квасневский билан мулоқот яна анча вақт давом этди. Гарчи пойтахтда расмий кўтиб олиш маросими бўлган эса-да, бу шаҳарда ҳам денгизчилар ва ҳарбий оркестр олий мартабали меҳмонга яна бир бор Польша халқи ва ҳукуматининг эҳтирмини намойиш этди. Бу эса Президентимиз ташрифида алоҳида ҳожири кўригилгани, Польшада бу ташриф юқори баҳолангани ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадр-ланганига яна бир ишора бўлди.

Музокаралар давомида қайта этилганидек, ҳозирги глобаллашув шароитида жўроғий жиҳатдан нисбатан узок жойдан ҳамкор топиш гар-иодий туолмайди. Мудим, ҳам-фикрлик, ўзаро манфаатдорлик, илтиш бўлиши керак. Ўзбекистон ва Польша муносабатлари бемалол бунинг таслиғи бўла олади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазаилдин АРЗИЕВ).

Пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестаги (парламент) аъзоси, Эркин демократик партия фракциясининг тараққийёт сўёсати соҳасидаги раиси Маркус Лёнинг раҳбарлигидаги делегация вакиллари 14 июль кўни мамлакатимизнинг қатор олдига муассасаларга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан ўтган учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги парламентларо алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлиғи таъкидланди, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорлиқни янада жаддалантиришга келишиб олинди.

Шу кўни делегация аъзолари мамлакатимизнинг Таш-

қи ишлар ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиғида ҳам учрашувлар ўтказди. Мулоқотлар давомида ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш борасида сўз борди.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиғида Бош вазир ўринбосари, мазкур агентлик раиси Элёр Ғаниев билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Германиянинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасида моливий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Унга қўра, Германия мамлакатимизга 1 миллион 600 миң евролик имтиёзи кредит ажратди. Мафлаб Тошкент аэропортининг терминалини таъмирлашга сарфланади.

«Галла — 2003»

ДОВОН ЗАБТ ЭТИЛДИ

Самарқанд вилояти галлакорлари давлатга 275,9 миң тонна галла сотиб, шартнома режасини ортин билан бажаришди. Ҳосилдорлик 54,4 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 5 центнер кўнлар. Эришилган ютуққа, айниқса, Каттақўрган, Иштихон, Пайарқ, Оқдарё, Жомбой туманлари галлакорлари муносиб улуш қўйишлар. Улар ҳар гектар майдондан 53-57 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Вилоят дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаси корхоналарининг жамоалари давлатга топширилган жами галлани ўз вақтида қабул қилиб, наъларнинг аралишиб кетишига йўл қўймастан, оғборларда сақлашни йўлга қўйишлар.

Айни кўнларда самарқандликлар ҳосилдорлиқни 58 центнерга етказиш йўлида ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси галлакорлари ҳам давлатга галла сотиш шартнома режасини бажариб, кўнлардан доводдан ошди. Улар қабул пунктларида 60 миң тонна дон топширди.

Уйилган хирмонга Хўжайли, Қораўзак, Кўнғирот, Шуманай, Нукус, Элиқалъа, Тўртқўл ва бошқа туманларнинг деҳқонлари салмоқли ҳисса қўйишлар.

Шу кеча-кўнудда галладан бўшаган майдонларга тақририй экинлар экилаётир.

Я. КўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Назоқат УСМОНОВА).


Қиёрай туманида «Обод маҳалла йили» дастури ҳамда болалар спортини ривожлантириш бўйича 2003 йилнинг ўтган ярмида амалга оширилган ишлар юзасида бағишланган вилоят кўргазмали амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов истиқбол йилларида маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, юртимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ва мактабимиз янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Вилоятда «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга ижро қилиш бўйича амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнес, ҳууссий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун кўплай миқдорда кредит ажратилди. Бунинг натижаси ўларок, янги иш ўринлари барпо этилди.

Маҳаллалар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар бажарилди. Хусусан, маҳалла идоралари таъмирдан чиқарилиди, янги тузарлар, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш ишлари яқинда бажарилди. Кам таъминланган оилалар, тиббий кўмакка мўҳтож кишилар, кексаларга ҳам хизмат кўрсатиш бўйича ишлар барпо этилди.

«Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг олти ойлик яқинлари бўйича ўтказилган республика кўргазмида вилоятнинг Қиёрай ҳамда Тошкент туманлари галиб то-



пилгани диққатга лойиқдир. Семинарда Қиёрай туманида мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайри юмушлар, илгор таъжирбалар алоҳида таъкидланди. «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишида намуна кўрсатяётган маҳаллалар фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг жисмонан бақувват, руҳан тетик камол топиши учун кўпгина ишлар амалга оширилган. Бугун ўшбу йўналишда муваффақиятлик давом эттириш болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ.

Маҳаллалар эса шу жиҳатдан спорт ва бошқа ўнлаб соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишга ва ўтказувчи обод маҳалларга айланиб бораётир. Қолаверса, маҳаллаларда соғлом оилани шакллантиришни кўчатиришга хизмат қилувчи «Оила спорти» мусобақаларини ташкил этиш масаласида ҳам жиддий эътибор бериляпти. Ҳозир бу борадаги барча ишлар Юртбошимиз 4 июнь кўни Оқсароғда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навабдаги йилги ишларида вилоятнинг Қиёрай ҳамда Тошкент туманлари галиб то-

Пойтахтимизда

Грант тизими истикбол

Тошкент (ЎзА мухбири А. ИВАНОВА).

Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққийоти мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йилнинг биринчи ярим йилгида давлат грантлари асосида амалга оширилаётган илмий-техникавий дастурларнинг ижроси муҳокама этилди.

Юртбошимизнинг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони талаблари қандай бажарилаётганини ўрганиш ва янги грант тизими афзалликлари ҳамда камчиликларини аниқлаш учун давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш мониторингини ўтказилиб, бу борада ажратилган 486 грантдан фойдаланиш жараёни таҳлил қилинди. Ушбу грантлар асосида эса Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Андижондаги 38 илмий ташкилотда ишлар олиб борилмоқда. Мониторинг натижалари шунинг кўрсаткичи, жойларда мазкур тадқиқотларни бажариш учун керакли барча шароитлар яратилган. Мажлиса иштирок этган мувофиқлаштириш кенгаши секциялари расмлар мониторинг жараёнида ишлаб чиқаришда ўзлаштиришнинг лозим бўлган ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари ҳам аниқланганини таъкидлади.

Мажлисада илмий-тадқиқот фаолиятини янги грант тизимига ўтказиш таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштиришни рағбатлантириш таъкидланди. Бу эса Ўзбекистон илмий ташкилотларининг таълим ва фан соҳасидаги турдош хоржий тузилмалар билан алоқаларини чуқурлаштиришга ҳамда фаолаштиришга ёрдам беради.

Жойлардан хабарлар

«Навоийсавдо»нинг сақовати

Навоийда мева ва सबзотни қайта ишлайдиган корхоналар сон яна биттага кўпайди. «Навоийсавдо» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бир кўнда 500 тонна सबзотни қайта ишлайдиган корхона қуришнинг илҳосига етказди. Бу ерда 60 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди.

А. ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бетонтаъминот» маҳсулотлари

Андижон (ЎзА мухбири С.Шукуров).

Андижон вилояти Андижон туманидаги Қуйтаёв қишлоғида фаолият юритяётган «Куришсавдо» таъминот маҳсулоти чекланган жамиятининг «Бетонтаъминот» корхонаси йўлқлар ва майдонларга ётқизишга мўлжалланган турли шакл ҳамдаги бетон плиткаларни ишлаб чиқаради.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати қафолатланди. Бу ерда 36 киши меҳнат қилмоқда. Утган олти ой ичида ишчиларнинг даромади икки баравар ошди.

Айни пайтада истеъмолчиларга 30 турдаги турли шакл плиткалар тақлиф этилмоқда. Харидорлар истақларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг шакли ҳам ўзгартирилмоқда.



«Халқ сўзи»нинг 2003 йил 24 апрель сонидан чоп этилган «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» сарлавҳали мақола Андижон вилояти ҳокимлигининг агрономот мажмуи бўйича қотиб-лети томонидан тегишли му-тасаддалар иштирокида жой-ига чиқиб ўрганилди.

«Халқ сўзи» назоратида Янги раис сайланди

бабли, тулақонли фаолият кўрсата олмаётганини билдириб, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган. Ушбу масала 23 май кўни ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, унинг иш фаолияти 2002 йил кўни бўйича қониқсиз, леб топиди ҳамда эғаллаб турган лавозимидан овоз этилди. Раисликка тавлоб асосида кўрсатиш учу нафар номзаддан А. Абдуллаев кўричлик овоз билан жамият раҳбари этиб сайланди.

Карзларни қамайтириш, камчиликларини бартараф қилиш ҳамда ҳиссадорлик жамиятининг янада ривожлантириш юзасидан янги Кузатув Кенгаши ва янги раис ўрта-сида бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилди.

И. ҚОҲУЛОВ,
Андижон вилояти
ҳокимининг биринчи
ўринбосари.

Янги ўқув йили ўзбекистон Миллий университети учун қўшалок байрамга айланган. Сентябрь шодиёнаси олий ўқув юртининг 85 йиллик юбилейига улашиб кетди.

Қўшалок байрам

Шу кўнгул санана арзигулик совғалар ҳозирланмоқда. Университетда қатор янги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Айниқса, табиий фанлар бўйича таълим этилаётган лазер техникаси ва технологияси факультетининг очилаётган муҳим янгиликдир. Бундан ташқари, олий ўқув юртида ядро физикаси технологиясидан талабаларда амалий ўқувни ҳосил қилишга эътибор кучаяди. Физика факультетининг жорий этилаётган бу таълим жараёнига шу яқин вақт ичида киришилади. Университетда яна бир неча кафедрани ва лабораториялар ҳам очиш кўзда тутилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Мақаллага газ келди

Учқўрғон туманининг «Соҳил» маҳалласига табиий газ келди. Бу ишга 5 миллион 100 минг сўмлик маблағ АҚШнинг «Меусу Сопс» ташкилоти томонидан инсонларварлик ёрдами сифатида берилди. Энди тумандаги «Нихол» сўхаттоҳи ҳам табиий газдан баҳраманд бўлади.

«Туркистон-пресс».



«Абитуриент - 2003»
Хайт ҳар бир соҳага хос иш тартибига муайян ўзгаришлар киритишни тоқо эътиборда. Жумладан, республикамиз олий таълим тизимининг бакалаврият ва магистратура бўлимларига талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидаларига ҳам давр талаблари асосида бир қатор янгиликлар киритилди.
Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2003 йил 18 июнда тасдиқланган ҳудди шу масалага доир Низомда ана шу янгиликлар ўз ифодасини топган.

ҚАБУЛДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги 496-сонли қарорига асосан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўплагани мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиб имтиёзи берилган эди. Бу имтиёз барча олий таълим йўналишларида жорий этилмоқда. Шу билан бирга, жорий ўқув йилидан бошлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги 227-сонли Қарорига асосан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларни қабул қилишда тўплаган балларга энг кўп тўплагани мумкин бўлган баллар миқдорининг 20 фоизини қўшиб имтиёзи жорий этилди. Аввалги 10 фоизлик имтиёздан фарқ қилган бу имтиёз Куролли Қўчларни малакали кадрлар билан тўлдирish учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича Мулоҳаза вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги биргаликда тасдиқлаган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасаларида жорий этилди.
Ушбу имтиёз абитуриентга ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномасига биноан берилди. Яна шунинг таъкидига керакки, тавсияномалар улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.
Яна бир янгилик: республикамиз кўп миллатли бўлганлиги сабабли, олий таълим муассасаларида ўзбек ва рус тилларидан ташқари айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик, қозоқ, туркман тилларида ҳам олиб борилмоқда. Бу йил уларнинг қаторига қирғиз тилидаги таълим ҳам қўшилди. Яъни бундан кейин Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида қирғиз тилида ҳам кадрлар тайёрланадиган бўлди.
2002-2003 ўқув йилидан бошлаб республика ва халқаро олимпиадаларга қатнашган олий таълим йўналишлари бўйича ҳам олий таълим муассасаларига қабул қилинади. Жумладан, математика, информатика ва ЭХМ фанларидан

олимпиада танловлари голиблари статистика, бизнес йўналишлари, физика фанидан олимпиада танловлари голиблари — радиопрепаратлар ва ядровий технологиялар ҳамда лазер техникаси ва лазер технологиялари, кимё фанидан олимпиада танловлари голиблари — саноат фармацияси (саноат йўли билан дори-дармонлар ишлаб чиқариш соҳаси) бўйича, тарих фанидан олимпиада совриндорлари — архившунослик соҳаси, Давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича голиблар — Миллий истиклол гоёиси: ҳуқуқ ва маънавият асослари, инглиз, немис, француз тиллари ҳамда Шарқ тилларидан олимпиада голиблари — халқаро журналистика, иқтисодий билим асослари фанидан олимпиада совриндорлари бўлган абитуриентлар — иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, молия, банк иши, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари бўйича ҳам олий таълим муассасаларига қабул қилинади.
Шу ўринда аввалдан мавжуд, аммо барча абитуриентларга бирдай маълум бўлмаган бошқа баъзи бир имтиёзлар ҳақида ҳам сўз

юритайлик. Масалан, олимпиада танловлари ва мусобақалари голиблари бўлган мактаб, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари олинган.
Шунингдек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ҳамда «Толбачи» республика танлови, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» республика танлови, Бадий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови голиблари ҳам тегишли вазирликларнинг тақдимномаларига мувофиқ, Давлат комиссиясининг қарорига кўра, дахлдор олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.
Олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиб ва қоидаларига бундай ўзгаришлар ва қўшимчалардан қўзланган мақсад — интеллектуал салоҳиятнинг ёшларни рағбатлантириш, таълимнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда республикамиздаги барча миллат вакиллари малакали мутахассис кадрлар бўлиб етиштириш учун қулай шароит яратишдан иборатдир.

М.САФАРОВ.

Компьютерда тикланган либос

Интернетдан турли хил андозаларни ҳам олиб, улар асосида тикув ишларини амалга ошириши мумкин.
Дизайни, моделинг касбини эгаллаган коллеж ўқувчилари ушбу дастурларда ўзларининг ҳаёлидаги гул ва нақшларини матога туширишмоқда.
Қувасойдаги тикувчилик коллежида ҳам икки йил илгари «Бернин» компаниясининг замонавий дастурлари билан жиҳозланган синф ташкил қилинган эди. Қисқа муддатда 210 ўқувчи юқори малакали тикув-

чилик касбини эгаллади. Бундай мурракб ва юқори технологияли дастурларда ишлашда уларга «Паффа-Зингер» компанияси мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Хусусан, коллежнинг бешта ўқувчисига Тошкентда замонавий техника воситаларини бошқариш ўргатилди.
Агар коллеж ўқувчилари замонавий дастурлар билан ишлашда бирон-бир тушунмовчиликка дуч келса, компаниянинг Тошкентдаги марказига мурожаат қилишади. Бу ерда хоризжа малака ортирган мутах-

ссислар шай туришибди. Айни пайтда замонавий тикувчилик касбини эгаллаган ўқувчилар ич кийими, чойшаб, пахта териш учун этак ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашапти. Бундан Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақалари учун спорт либослари тикиб берилгани ҳам ёш тикувчиларнинг юксак тахрибига эга эканлигини кўрсатади. Маҳсулотлар арзон бўлиб, сифати хоризжидан қолшмайди.
Умуман, «Паффа-Зингер» компаниясининг тикувчилик йўналишидаги коллежларга бераётган кўмаги катта бўлмоқда. Компания коллежлар ўқувчиларига турмушимиз учун зарур бўлган тикувчилик касбининг замонавий сир-асрорларини ўргатиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига муносиб иш қўшиб келяпти.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

жамиятининг валюта ҳисоб рақамига 478 минг АҚШ доллари келиб тушди. Яна бир бошқа харидор — Жанубий Кореянинг «Ве санг КО» масъулияти чекланган жамияти эса 400 тонна маҳсулотга буюртма берган эди. Апрель ойидаёқ Кореяга унинг 100 тоннаси жўнатилди. Бундан ташқари, Ҳамдўстлик давлатлари билан тузилган шартномалар шартлари ҳам изчил уддаланмоқда.
Бугун корхонанинг хоризжий буюртмачилар портфелида яна йигирмадан ортик тақлиф бор. Махсус комиссия уларни ўрганиб чи-

портбоп калава ип тайёрлаш билан асосан иккинчи йигирив фабрикаси жамоаси шуғулланади. Бугунги кунда 460 киши меҳнат қилаётган мазкур фабриканинг технология имкониятлари ҳавас қилса арзигулик. Чунки йигирив, пиллак, ўров дастурлари Германиядан келтирилган бўлиб, улар тармоқдаги энг сўнгги жиҳозлар сирасига кирди. Компьютер ёрдамида бошқариладиган машиналарга керакли дастурни берсангиз бас, исталган ўлчовдаги йигирив ишни қабул қилиб олаверасиз. Маҳаллий ёшлар эса улар-

хатти-ҳаракатини кузатсангиз, эпчил компьютерчиликдан сираям қолшмайди.
Технологик занжирнинг барча бўғини назоратда.
— Сон кетидан қувадиган кунлар ўтиб кетди, энди гап фақат сифатда, — дейди фабрика директори Эргашали Деҳқонов. — Шундай қилмасак, ютқазамиз. Чунки рақобатчиларимиз етарли. Жумладан, вилоятимизнинг ўзида учта турдош корхона мавжуд. Улар билан беллашиш осон кечмасда-да, маҳсулотимизнинг рақобатбардорлиги ортик бораётгани бор гап. Мана, янги йиллик



Хотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

БОЗОРИГА ЙЎЛ



қиб, доимий ишлайдиган ишончли шерикларни танлаб олапти.
Юқорида айтилганидек, «Намангантекстилл» да экс-

якунларига кўра, бир миллион АҚШ долларидан ортик миқдордаги маҳсулот экспорт қилинди.
Экспорт салоҳиятининг ортиши тўрт ярим минг киши меҳнат қилаётган йirik ҳисдорлик жамияти учун кенг имконият уфқларини очиб берди.
— Юртбошимиз Наманганда бўлганларида маҳаллий газламадан халқаро бозорга чиқа оладиган эркаклар кўйлиги тикитини йўлга қўйиш масаласини ўртага ташлаганлари кўпчиликнинг ёдида, — дейди Ҳабибулло Муҳиддинов. — Ҳозир шу мақсадда янги корхона барпо этиляпти. Унга ҳамашёни, яъни газлама ни биз берамиз. Яхши кўйлақлик мато тўқиш учун эса пахтадан ташқари яна лавсан, вискоза толаси ҳам керак. Валюта жамғарманис кўпайиши биланоқ, четдан ана шу ҳамашёни

сотиб олишга киришдик. Тез кунларда хоризжники билан бемалол баҳслаша оладиган кўйлақбоп газлама ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилади.
Тўқимачиларнинг талаб ва тақлифга асосланган бозор йўлини ўзлаштириб олганлари айни муддао бўлди. Бу кўп минг кишилик жамоанинг омборга эмас, бозорга ишлаш имконини берди. Пировардида ўтган олти ой ичида ишлаб чиқаришда 2002 йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт фоиз ўсешга эришилди. Бу аслида амалга ошириляган илохотлар самарасидир. Яна бир омил шунки, корхона раҳбарияти, кас-

ба уюшмаси, хотин-қизлар кўмиталари ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олишлари учун етарли шароитларни яратиб берапти. Тўқимачиларнинг тушлиги бепул, узокдан қатнайдиганлар бепул автобус хизматидан фойдаланишади, болалар богчаси, ёзги оромгоҳ оталиқда.
Ҳозир бир муддатлик таънаффусдан сўнг яна оёқда туриб олган тўқимачилар жамоасига ҳамма ҳавас билан қарамоқда. Бу эса уларнинг янги-янги ютуқларга даъват этапти.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, Икром УТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.


Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Сув тошқини
Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий минтақаларини қамраб олган сув тошқинлари оқибатида, сўнгги маълумотларга қараганда, камида



70 нафар киши ҳалок бўлган. Энг кўп қурбон бўлганлар Ассам, Бихар ва Уттар-Прадеш штатларида рўйхатга олинган. Биргина Ассам штатида табиий офатдан деҳқончилик билан шуғулланадиган 3 миллиондан ортик аҳоли зарар қўрган. Мутахассисларнинг айтишича, кучли ёмғирлар яна бир неча кун давом этади.

Мустақиллик учун қадамлар
Ироқда илк мартаба 30 га яқин аъзодан иборат бўлган дастлабки ҳукумат кўринишидаги гуруҳ мамлакат келажаги билан боглиқ масалаларни муҳокама қилиш, вазиятни барқарорлаштириш борасида фикр алмашиш мақсадида тўла демократик қоидалар асосида йиғилиш ўтказди. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, Ироқдаги вазият мурракб бўлиб турган бир пайтда бу воқеа ироқликларнинг мустақиллик сари муҳим қадамидир.



Сайёҳ ҳалок бўлди
Кеча Қизил Хоч жамиятининг



ихтиёрий вакили сифатида бутун дунёни мотоциклда айланиб чиқётган сайёҳ ва журналист Жерар Старк Киргизистонда автоалоқат туфайли ҳалок бўлди. 57 ёшли француз Старк Бишкекдан 200 км. узокда вафот этган. Жерар Старк Кизил Хоч жамиятининг ваколатхоналари очилган юздан ортик мамлакатларни кезиб, ўз таассуротларини Францияда нашр этиладиган машҳур журналларга ёзиб юборётган эди.

Бомба зарарсизлантирилди
Испания полицияси Мадриднинг энг машҳур меҳмонхоналаридан бири — Памплона отелидан бомба тотишти. Полиция вакиллари таътишча, шу кунларда Сан Фермин Фieste йиллик фестивали бўлиб ўтиши кутилаётган, машҳур кишилар тўплаган ушбу меҳмонхонанинг 138-хонасидан топилган бомба ETA гуруҳи сепаратистлари томонидан қўйиб кетилган. Яқинба кунги телефон кўнгиригидан сўнг хавфсизлик хизмати ходимлари зудлик билан меҳмонхонага етиб келишган ва 4 кг. ҳажмдаги кучли портловчи моддани топганлар. 35 йилдан буён Баск минтақаси учун мустақиллик талаб қилаётган бу гуруҳ уюштирган террорлар 800 дан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлган.

Индонезияда кўпорувчилик
Индонезия пойтахти — Жакартада, мамлакат парламенти биноси олдида кеча кучли портлаш юз берди ва бинога қаттиқ шикаст етди. Бундан бир неча кун олдин Индонезия полицияси террорчилик ҳаракатларини содир этганлиқда шубҳаланган 9 нафар диний экстремистни хибсга олган эди. Расмийлар портлаш ана шу воқеа билан чамбарчас боглиқ, деб ҳисобламоқда. Кўпорувчилик оқибатида ҳеч кимга шикаст етмаган.

Хужжат ратификация қилинди
Кипр Парламенти аъзолари кеча мамлакатнинг ЕИга аъзо бўлиши тўғрисидаги шартномани ратификация қилди. 56 нафар депутат томонидан бир овоздан қабул қилинган мазкур хужжатга биноан, Кипр келаси йилнинг май ойидан Европа Иттифоқига қабул қилинади. У Европа Иттифоқига янги қабул қилинган 10 та давлат орасида ушбу халқаро ташкилотга референдумсиз аъзо бўлаётган ягона мамлакатдир. Шу пайтга қадар Мальта, Словения, Венгрия, Литва, Словакия, Польша, Чехия давлатларининг ЕИга аъзо бўлиш масаласи референдумда ҳал этилди. Эстония ва Латвияда референдумлар жорий йил охирида бўлиб ўтади.

Пишлоқ полиция ҳимоясида
Грециянинг машҳур «Фета» компаниясида ишлаб чиқариладиган пишлоқлар билан боглиқ жанжал борган сари кучайиб бормоқда. Яқинда Норвегияга экспорт қилинган ушбу маҳсулот таркибида инсон ҳаётига ўта катта хавф солувчи бактериялар аниқлангач, ҳукумат қатъий чоралар кўришга мажбур бўлди. Аҳвол шу даражага етдики, Грециянинг миллий ифтихори бўлган пишлоқлар энди полиция ходимлари томонидан махсус назорат қилинади.

Уч ёшли бола — машина ўғриси
Полиция ходимларидан олинган маълумотларга кўра, кеча 3 ёшли бола ўз отасининг машинасини ҳайдаб кетган. Янек исмли бу болакай Renault Laguna автомобилнинг калитини олган ва уни юргизиб юборган. Ота эса бу пайтда футбол ўйинида бўлган. Машина яқин атрофдаги бир неча бола ўйнаётган иккита палаткага бориб урилган ва тўхтаб қолган. Кельндан 30 км. узоклиқдаги Айскрихен шаҳрида содир бўлган бу воқеа оқибатида болалар энгил шикаст олганлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ
бўш (вакант) кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.
Фуқаролик ҳуқуқий фанлари кафедрасига профессор (1), Жоноий ҳуқуқий фанлар кафедрасига мудар (1), профессор (1), доцент (1).
Халқаро ҳуқуқий фанлар кафедрасига профессор (1), доцент (1).
Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1)
Давлат ҳуқуқий фанлари кафедрасига мудар (1), доцент (2).
Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:
- директор номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумот, илмий даража ҳақидаги дипломлар, илмий унвон ҳақидаги аттестат нусхалари;
- илмий ишлар рўйхати.
Танловга хужжатлар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.
Манзил: 700029, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон, шоҳўчмаси, 15-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 132-19-04.

Болалар спорти

Шу беш кунлик дунёда одамлар бир-бирларига меҳрибон бўлишлари керак. Меҳрибонлик — бу дараёғи сув ёки дарахда пишиб турган мева эмаски, истаган пайтинда ундан баҳраманд бўлсанг. Меҳрибонлик тугилди: давраларда, субатларда. Бахшларда, беллашуларда. Бор-ку, беллашмасанг бирлашмайсан деганга ўхшаган гап.

Бу сўзларни мен ангорлик полвон Жўра Пирнаевнинг оғзидан ёзиб олганман. Пирнаев — унинг полвонлик тахаллуси. Асли фамилияси Тошматов. Ёши етмиш бешдан ошди. Сунги ҳамон қўшай энгил. Олиш (кураш)нинг баковули. Эй, бир зўр саркаси бор, қўш ёқали пошпойи тўни бор, яна бир қалин гилами бор, э, яна бир телевизор бор, деб икки полвон уртасидан совринга жар солиб эълон қилверсам, Жўра полвоннинг халиям елкалари жимирлашиб, бирон мардак (мард киши) мени даврага тортмасмикин-а, дегандай теваракка қараниб бошлайди. Элта бир томоша кўрсатинг энди, деб қистасалар, ишонверинг, Жўра Пирнаев желини елсаки ялб, давра айланишдан қайтмас.



Беллашулар (спортчи Жўра полвон «беллашулар» деб атайд) одамни, айниқса, болаларни ботир қилади. Уларнинг юракларини чарқлайди. Ботир одамларгина бошқа бировни суйдилади. Чорасиз қолган қавмини ҳамон қилишдан кўрқмайдилар. Мана, сизга Жўра полвоннинг меҳрибонлик ҳақидаги гапларининг маъзи-моҳияти. Ангорда бўлса, мен Жўра Пирнаевдай полвон бўлман, деган болалар кўп. Яқинда туман ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда спорт мураббийси Сувонкул Нормуродов хотирасига бағишлаб кураш турнирини ўтказувди. Турнир катта спорт байрамига айланиб кетди. Марҳум Нормуродовнинг 6 яшар набиралари Хайрулла ва Акбарлар белларига боғлаган белбоғлари ўзларига ярашиб, катта полвонлардай ўйноқлаб бир кураш тушдиларки, томошабинлар лолу ҳайрон қолди. Жўра полвон «Узиннинг полвонгиналаримдан ҳам яхшироқ билар экан; қайси маҳаллада волейбол ё кўл тўпига қизиқиш кўпроқ. Қайси гузарларда полвонлар ё теннисчилар клубини очиб сақда мувофиқ. «Умид ниҳоллари» мусобақаларига муносиб равишда тайёргарлик қиришда ўқувчиларга нимақал халқит қилаётган ва ҳоказо.

Тангрикулов. — Уединитесь... — Уйим... тўрт ёшга тўлди, — дейди Орол яна кулди. — Асли тўнғичимиз полвон бўларми, деган умидимиз бор эди. Лекин футболга қизиқиб кетди. Арслонимиз, полвон бўлман, дейди. Жўра Пирнаев бўлман, дейди. Билмайман, Жўра полвоннинг ланишига, умуман, болалар спортга ҳомилик кўрсатиб келмоқда, — дейди Абдурахмонов. — Ҳамма жойда бўлган каби туманимизда ҳам байрат-шижоати уммонларни шоширадиган болалар бор. Уларга фақат эътибор, тарбия лозим. Ҳар бир жамоа спортнинг бирон тури бўйича, ҳеч бўлмаганда, битта вилоят чем...

пионини етказиб берса — бу удаллаб бўлмайдиган иш эмас. Бир чемпионнинг изидан мингта шоғирд эргашади, ахир. Абдурахмоновнинг бу гапи бизга 6 ёшар курашчиларнинг, биз Жўра Пирнаевдай полвон бўламиз, деган гапларини эслати.

Шундай. Жўра полвон кийиб курашга тушган желати — полвонлик либосининг чоклари мустаҳкам. Белбоғининг тутунлари — темирдан. «Кам бўлманлар. Элингизга елкадош, бир-бирингизга сунячиқ бўлинглар». Бу қўлига қалам-қоғоз олиб, талбир — режа тузишни билмаган одамнинг — Жўра полвоннинг тиловати. Бугунги авлодга тайинлаётган гапи. Угитиз илд давра айланиб, кураги ерга тегмаган устоз ўгити!

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар

Сўлим боғда бу гал ҳам энг гўзал, дилбар, жозибали қўшиқлар ижро этилди. Уларнинг ҳар сатрини, сўзини ҳаяжонсиз тингламаслигининг иложи йўқ эди. Ҳар бир ижрочини мухлислар дилдан олқишлашди. Самарқандда «Ўзбекистон қўшиқлар байрами» ва «Зарафшон мавжлари» вилоят фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-фестивалда «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг шаҳар ва туманлар бўйича 20 дан ортқ голиби ўз санъатларини намойиш этишди. — Қўшиқ байрами шаҳар ва қишлоқларимизда ажойиб талантли, дилбар

овоз соҳиблари борлигини намойиш этди, — деди ҳакамлар ҳайъатининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Равшан Ҳамроқулов. — Айниқса, Сибё, Оқдарё, Ургут туманлари ва Каттақўрғон шаҳри санъаткорларининг ижрочилик маҳорати бошқалардан ажралиб турди. Яна бир қувонарли жиҳати, ашулалар матнининг тўғри танлангани. Меҳри дарё халқини мадъ этувчи, инсон қалбини, Ватан тупроғини, Мустақилликни кўз қорачигидай асраб-авай-

лашга чорловчи бундай қўшиқларни фақат завқ билан тинглаш мумкин. Ҳакамлар ҳайъати Сибё тумани вакили Насиба Мирзоҳидовани кўрик-фестиваль голиби, деб топди. Оқдарёлик Гулрух Сафарова, ургутлик Оловиддин Турсунов, Каттақўрғон шаҳридан Жамшид Омонов иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Насиба Мирзоҳидова «Ўзбекистон қўшиқлар байрами республика танловида, Гулрух Сафарова эса ушбу танловнинг якуний босқичида иштирок эттиш шарафига муяссар бўлди.

Оролбўйи аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили малакали шифокорлардан ташкил топган «Саломатлик поезди» ташкил этилади. «Саломатлик поезди» Оролбўйида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этган бу йилги поезда 12 миллион сўмликдан зиёд дори-дармонлар бор. Ҳозирда 12 нафар малакали шифокор бир неча гуруҳга бўлиниб, Беруний, Амударё, Шуманай туманларида ўз фаолиятларини бошлаб юборди. М. ТОЖИБЕВА.

Барча лойиҳа-тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатын назар, ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ тендер эълон қилади.

Объект номи: Фаргона шаҳри, Қирғули тумани, «Фаргона» кўчасида қурилиш режалаштирилган 825/200 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиш бўйича лойиҳа-пешхисоб ишларини бажариш. Лойиҳа ишларини бажариш мuddати — 2003 йил III чорак. Бюртмачи — Фаргона вилояти академик лицей ва профессионал коллежлар қурилиш дирекцияси. Манзили: Фаргона шаҳри, Мадалиев кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 24-54-57, 24-02-79.

- 1. Фаргона вилояти мукамал қурилиш бош бошқармаси 2003 йил дастурига киритилган қурилиш объектлари учун ҳар хил мебель жиҳозлари, қурилиш ва электр маҳсулотлари, иситгич ўлчагичлари ва ечиш приборларини сотиб олади. ЛОТ №1. Электр жиҳозлари: ҳар хил русумдаги трансформаторлар, тақсимлаш пунктлари, шитлар, бошқарув яшиқлари, эритгичлар, стартерлар, ўт ўчириш жиҳозлари, қучланиш яшиқлари, ҳар хил ўтқагичлар ва кабеллар. ЛОТ №2. Қозонхона, сантехника ва вентиляция жиҳозлари, сув насослари, иситиш қозонлари, пўлат қувурлар, вентиляторлар, кондиционерлар, вентиляторлар, ҳар хил ўлчагичлар, насослар. ЛОТ №3. Мебеллар: шкаф, курси ва диванлар, стол ва стуллар, тумбочкалар, стеллажлар. ЛОТ №4. Ошхона жиҳозлари: товалар, овқат тайёрлаш дастгоҳлари, музлатгичлар, электр плиталари, музқаймоқ ва салқин ичимликлар учун расталар, идиш-товоқ ювиш машиналари. Бюртмачи — Фаргона вилояти мукамал қурилиш бош бошқармаси. Манзили: Фаргона шаҳри, ал-Фаргоний кўчаси, 69-уй. Тел./факс: 24-24-33. 2. 426-ҳўжалиқларро кўчма механизациялаш жамланмаси акциядорлик жамияти 2003 йил дастурига киритилган Фаргона шаҳридаги санъат билим юртини қайта таъмирлаб, касб-хунар коллежга мослаштириш учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади: пойдевор блоклари, ёғоч-тахта материаллари (Россия), девор ва шифт қоплама, лок-бўёқ, метрли тахта, паркет ва бошқа пол қоплама, электр эритгич материаллари, темир-бетон 3х2,5м ва 3х3 башмақлар, L-8,6 метрли колонна, ПГЗхб плита ва БДР-18 метрли тўсинлар, қурилиш михлари, балаясина, электрод, том ёпқич материаллари, қулф, 2х2,5 кабель, 5х5 бурчаклик, № 12-18гача швеллер, Д-4-8гача симлар, дераза блоклари ойна идиши билан. Бюртмачи — 426-ҳўжалиқларро кўчма механизациялаш жамланмаси акциядорлик жамияти. Манзили: Маргилон шаҳри, Сақкоий кўчаси, 1-уй. 3. 15-трест ҳиссадорлик жамияти 2003 йил дастурига киритилган Фаргона шаҳридаги 27-сонли касб-хунар мактабини қайта таъмирлаб, касб-хунар коллежга мослаштириш учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади: индивидуал дераза блоклари, ашиқ блоклари, метрли тахта, лок-бўёқ, девор қоплама, ёғоч-тахта (Россия) материаллари, маҳаллий материалдан ёни олинган тахта, елим, қурилиш михлари, жилвир қоғоз, балаясина, электрод, униколлер, пластик, рух тунука, L-8,6 метрли бетон колонна, стакансимон пойдевор блоклари 1-2-3-4, ПГЗхб, 58х12 плита ва БДР-12 метрли тўсинлар, «Алопан» қопламаси, қулф, дераза ва ашиқ рўчалари, «Макловица» чўткаси, челақ, Д-50, 25, 76ммли металл қувурлар, 6-8 секцияли чўян радиаторлар, 3х50, 4х70 АВВГ кабеллари, пойдевор блоклари ФБС-4, армокаркас, бетон, суюлтиригич, бетон гишт СКЦ-1, аралашма, йўлак плиталари. Бюртмачи — 15-трест ҳиссадорлик жамияти. Манзили: Маргилон шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 408-уй. Телефон: 37-88-15. 4. Фаргона «Сантехгазмонтаж» бошқармаси 2003 йил дастурига киритилган вилоят мукамал қурилиш бош бошқармасининг қурилиш объектлари учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади: янги ва ишлатилган радиаторлар, конвектор, ҳар хил диаметри пўлат қувурлар, фасон қисмлар, Д-100, 200мм а/ц қувурлари, Д-50, 80, 100, 304 6 БР задижжалари, Д-50, 80, 100 пўлат задижжалар, ҳар хил ўлчагичлар, №1, 4 элеватор, Д-50, 80, 100 фланц, 3-4ммли пўлат тунука, 40х40 бурчак, пўлат сим, Д-57, 76, 89, 100 пўлат отводлар, санкабина жиҳозлари, Д-15, 20, 25, 32, 40, 50 муфтлар, Д-15, 20, 25, 32, 40, 50 контргайкалар, Д-15ммли, 63х45 бурчакликлар, лен, каболка, паранит, лок-бўёқ материаллари, пайвандлаш сими, электрод, карбид, болтлар, патрон, дюбеллар, сув таксимловчи кран, ёритувчи шит ЯОУ-8501, ЯОУ-8506, ЯТП-025, қурилиш михлари, №14 швеллер, 10-12 арматура, 6ммли сим, ҳар хил диаметри пўлат, сўғортиш учун ва «Маевский» жўмрақлари, ҳар хил диаметри тескари клапанлар, ҳар хил электр эритгич материаллари, ҳар хил ёғоч маҳсулотлари, девор ва қоплама материаллари, дераза ва ашиқ блоклари, алюмин витраж, ойна идиши, алкопан, рух тунука, ойна, цемент, гишт, ашиқ ва ром приборлари, пластик, шифер, гипсокартон. Бюртмачи — Фаргона «Сантехгазмонтаж» бошқармаси. Манзили: Фаргона шаҳри, Қирғули тумани, У.Юсупов кўчаси, 214-уй. Телефонлар: 22-33-20, 22-35-46. Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишига керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фаргона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Фаргона шаҳри, А.Навий кўчаси, 29-А-уй (Фаргона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси). Телефон: 26-82-93, факс: 26-43-19. Бир тўпман тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм. Тактифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб кунни ва вақтигача қабул қилинади. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтгандан кейин юқоридagi манзилда ўтказилади.

Advertisement for GSM services by Uzdunrobota. Includes text: GSM тармоғининг текшириш ишлари НАМАНҒАН шаҳрида бошланди. Халқаро SMS тармоқлари муштарийлари билан GSM тармоғига уланиш. SIM-картани программалаштириш 5\$, гаплашулар учун олдиндан тўлов 25\$. 1 июлдан 1 халқаро SMSни юбориш - 0.065. NEW! МОБИЛ ПЕЙДЖИНГ. WWW.UZDUNROBITA.UZ. Includes logos for GSM, Uzdunrobota, and various mobile operators.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes text: Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир ҳайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Мирзалимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қаннибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошпириш вақти — 21.00. Тошпирилди — 21.30 1 2 3 4 5 6.